

**АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАСИ МУАЗЗАМХОН ИЖОДИДА****Сайдалиева Насиба Фарходовна**

филология фанлари номзоди, СамИСИ академик лицейи, тиллар кафедраси мудир.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273275>

**Аннотация.** Ушбу мақолада, шоира Муаззамхоннинг Хазрат Алишер Навоий ижодига қўл бериб ижод қилгани, мумтоз адабиётимизнинг кўплаб ижодкорларида бўлгани сингари, хазратдан илҳомланиб ижод қилгани ҳақида баён қилинади. Ушбуда келтирилган газалар ҳам, айнан Навоий ижодидан илҳомланган ҳолда ёзилган бўлиб, тасаввуф ва унинг арконлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** “Ҳар соат”, тасаввуф, “аҳли тамиз”, “фаҳми дониш”, Жунайд Бағдодий, Жалолиддин Румий.

**ТВОРЕНИЕ АЛИШЕРА НАВОИ АНАНАСИ МУАЗЗАМХАНА**

**Аннотация.** В данной статье указывается, что поэт Муаззам Хан работал с творчеством Хазрата Алишера Навои, вдохновленный Хазратом Алишером Навои, как и многие авторы нашей классической литературы. Представленные здесь газы написаны под влиянием творчества Навои и рассказывают о суфизме и его архонтах.

**Ключевые слова:** «Каждый час», суфизм, «Ахли Тамиз», «Знание», Джунайд Багдади, Джалалуддин Руми.

**ALISHER NAVOI ANANASI MUAZZAMKHAN'S CREATION**

**Abstract.** In this article, it is stated that the poetess Muazzam Khan worked with the work of Hazrat Alisher Navoi, and was inspired by Hazrat Alisher Navoi, as is the case with many creators of our classical literature. The ghazas presented here were written under the inspiration of Navoi's work, and talk about Sufism and its archons.

**Key words:** "Every hour", Sufism, "Ahli Tamiz", "Knowledge", Junayd Baghdadi, Jalaluddin Rumi.

**КИРИШ**

Анъана ва маҳорат адабиётнинг умрбоқийлигини белгиловчи омиллардан биридир. Ҳар бир даврнинг етук, интеллектуал хислатлари камолотга етган ижодкори борки, ўз салафлари ижодига эргашади, уларнинг энг илғор анъаналарини давом эттириб ўзлигини намоён этишга, ўз сўзини айтишга интилади. Муаззамхон ижоди ҳам бу ҳодисадан бебаҳра эмас. У ижодий муҳитда вояга етганлиги боис ёшлигиданоқ Шарқ мумтоз шеърятини, хусусан, ўзбек ва форс-тожик адабиёти билан яхши таниш бўлганлиги илмий тадқиқотларда бир неча бор эътироф этилган. Муаззамхон шеърятини Шарқ эстетик тафаккур тарзига тўйинган шеърят. Унда Румий ва Алишер Навоий, Фузулий ва Машраб, Нодира ва Увайсий каби қатор ижодкорлар қўллаган анъаналарни учратамиз. Муаззамхон замонасининг етук шоираси сифатида бу анъаналардан ижодий фойдаланди, уларни ўз даврининг муаммолари билан уйғунлаштирди, кўнгил ҳасратини ўзига хос тарзда сатрларга муҳрлашга ҳаракат қилди.

Муаззамхон шеърятини бошқа шоирларнинг асарлари билан қиёслаганимизда, бу ўзига хослик янада ёрқинроқ намоён бўлади.

**МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Муаззамхон ижодий изланишларида, айниқса, Алишер Навоийнинг фаол иштирокига таянади, устоз лирик меросини қунт ва муҳаббат билан ўрганади. Мисол учун шоиранинг “Ҳар соат” радифли ғазалидаги:

Табиблар айтди: ҳижрон дардини доруси ўлмақдур,

Анинг-чун мен бўлибмен ҳажр ила бемор ҳар соат , -сатрлари Алишер Навоийнинг:

Чораси ё бодадур, ё васл, ё марг, эй табиб,

Ҳар кишиким топса ҳижрон дардидин беморлиғ, - мисраларига яқин.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Тасаввуф таълимотига кўра, бода, васл, марг, ҳижрон, ёр - рамзий маъноларга эга тушунчалар. Бода – Оллоҳ ишқининг кўнгилдаги жилваси, васлга эришмоқ, Оллоҳ дийдорига нойил бўлмоқдир. Маълумки, тасаввуф таълимотига кўра, Оллоҳ васлига етишишнинг йўллари турлича. Чунончи, май воситасида, ўлим воситасида, хушдан айрилиш воситасида Оллоҳ билан айрилиқдан – ҳижрондан қутулиш мумкин. Чунки туғилиш-Оллоҳдан айри тушиш - ҳижрондан мурод – айнан висолга эришишга интилиш демақдир. Жалолиддин Румий айтадиларки:

Мо барои васл кардан омадем,

Но барои васл кардан омадем.

Алишер Навоий байтида айнан висолга эришишнинг турли йўллари хусусида сўз боради. Шоиранинг фикрича эса, бунга марг, яъни ўлим туфайлигина эришиш мумкин. Ҳижрон эса – тириклик. Яъни, инсон тириклигида Оллоҳдан айри бўлади. Тасаввуфда ўлим - Оллоҳ ҳузурига қайтиш ҳисобланади. Қуръон оятларининг офоқ ва анфусда кўрсатилиши “ўлим” тарзида талқин этилиб, ўлим умумий ва хусусий ўлароқ иккига ажратилган. Биринчиси - нафс ва шаҳватларнинг ўлими. Иккинчиси - бутун мавжудотга Ҳақ назари билан боқмоқ, тавҳидга етмоқдир. Жунайд Бағдодий фикрича, “Тасаввуф улдурки, Худойи таоло сени ўзингни ўлдириб, ўзи бирла тирилтирғай. Демак, “ўлимдан илгари ўлмоқ” замирида Оллоҳ билан тирилмоқ ҳикмати мужассам”. Алишер Навоий байтида айнан ана шу – “ўлимдан илгари ўлмоқ”, жисмоний тирикликда қолароқ, нафс ва шаҳватни ўлдириш фалсафаси ҳам мужассам. Муаззамхон эса Оллоҳ васлига эришишнинг биргина усули ҳақида сўз юритади.

## **МУҲОКАМА**

Алишер Навоий - ўзбек тасаввуф шеърятини юқори чўққига кўтарган ижодкор. Навоий шеърятини чуқур, мураккаб бадиий фалсафийлиги, тасвирнинг сержилва, образларнинг серқатламлилиги билан ўзига хос, айни пайтда, унинг шеърятини реал ҳаётга шу қадар яқин. Муаззамхоннинг юқоридаги сатрлари Навоий ижоди анъаналарининг соддароқ, ихчамроқ тарздаги давомидир.

Алишер Навоийда ҳажрнинг давоси ё бода, ё васл, ё марг деб хулоса чиқарилса, Муаззамхонда ҳам “ҳижроннинг давоси ўлмоқдир”, деган хулосага келинади. Муаззамхон бода ва висол рамзларини ишлатмасдан, иккинчи сатрда кўнгил кечинмаларини “Анинг-чун мен бўлибман ҳажр ила бемор ҳар соат”,- дея ўзгачароқ тарзда баён этади. Муаззамхоннинг:

Сани шоми фироқингда кўзимга келмади уйқу,

Анинг учун оқар хуноб сариқ рухсор уза ҳар су, – деб бошланувчи ғазали Алишер Навоийнинг қуйидаги ғазали тасвир услубига ҳамоҳанг:

Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулру келмади,

Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади.

Бу ерда ҳам худди шу ҳолат: ҳар икки байтда ифода этилган вазият ўзига хос. Навоийнинг лирик қаҳрамони висол ваъдасини олган, аммо ваъдага вафосизлик уни туни билан бедорликка маҳкум этган. Муаззамхонда эса, ҳижроннинг умумий ифодаси берилган. Шу маънода Навоий ғазалида замон аниқ, чегараланган, Муаззамхонда эса умумийроқ.

Алишер Навоий бир ғазалида “Йиғлабон бошимга оҳим дудидан чирмаб қаро, Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзим бул дам тутай”, - деб ёзади. Улуғ шоирнинг бу фикрлари айримларга бадбинлик бўлиб туюлиши ҳеч гап эмас. Аммо Навоийнинг фикрича, бу кайфият қалбни тозалайди, инсонни камолотга ундайди. Муаззамхон ҳам юқоридаги байтида шу маънодан келиб чиққан. Байтнинг иккинчи мисрасида эса бу дунё мўъмин учун синов эканлиги бадийлаштирилади.

Тасаввуфий истилоҳлар нуқтаи назаридан бу дунё “ғамхона”, “ҳасратхона”, “зиндон”. Зиндон, шунингдек, вужуд, тана маъносида ҳам ишлатилади. Яъни, рух ўзининг самовий кенгликларидан тор қафас каби вужудга кирганлиги зиндонга тушиш билан киёсланган ва “зиндон” сўзи шу тарихи метафорик тушунча касб этган.

Сен сано эт таъна тоши гар ёғилса бошинга,

Тухмат ўқи тешса бағринг мисли пайкон ғам ема .

## ХУЛОСА

Муаззамхон шеърлятида “аҳли тамиз”, “фаҳми дониш”ларга терс тимсоллар тез-тез учраб туради. Булар: “кажрав”, “ҳарф уқмас”, “нодон”, “номард”, “мардуд”, “илм ўқуган норасо” ва бошқалардир. Улар, яъни “фаҳми дониш”дан бегоналар қанча “таъна тоши”ни, “тухмат ўқи”ни ёғдирмасин, Худо олдида юзинг ёруғ, - деб шоира ўзига хитоб қилади. Уларнинг фиску фужури ғам чекишга арзимайди.

Кел, Муаззам, сен замин бўл, теша бирлан чопсалар,

Қил сукут гар қилса дашноми фаровон ғам ема .

Диққат қилинса, бутун ғазал бир поэтик ғоя - “мусофир”лик кайфиятини очишга йўналтирилган. Шу кайфият атрофидаги мулоҳазалар тадрижан ривожланади ва ўзига хос бир силсилани юзага келтиради.

Кўрииб турибдики, Муаззамхон шеърлятида ички фаоллик кучли ва у ана шу жиҳати билан Шарқ шеърлятининг энг ажойиб хусусиятларидан бирини ўзида намоён этади.

## REFERENCES

1. Акбархўжаев “Шарқнинг етти ёғдуси”, Тошкент.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент, Фан, 1974 й.
3. Ғаниева С. Алишер Навоий. Тошкент, Фан. 1962 й, 83 бет.
4. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1959 й.
5. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент. Фан, 1983 й, 208 бет.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Тошкент. Ёзувчи, 1996 й, 272 бет.
7. Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоий роли ҳақида. Навоий армуғон тўплами. Тошкент 1968 й.
8. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент. Фан, 1992 й, 72 бет.

9. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.
10. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро. Бухоро давлат университети нашриёти, 2000 й.
11. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998 й.